


IX. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

(Фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони
(1 апрель ҳолатига кўра, минг бирликда)



Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Корхона ва ташкилотлар сони

(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

Рўйхатдан ўтган

440 879

Фаолият
кўрсатаётган

415 330

Янги ташкил
этилган

(2020 йил январь-март ойларида) 24 084

Юридик шахс:

Юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юридик шахс** ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи

Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони

(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

245 127



Масъулияти
чекланган жамият

32 834



Оилавий корхона

2 964



Унитар корхона

92 585



Хусусий корхона

679




Акциядорлик жамияти

3 900




Бошқалар

масъулияти чекланган жамият,
минг бирлик



хусусий корхона,
минг бирлик




Масъулияти чекланган жамият

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.


Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 апрель ҳолатига кўра)



Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони

(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Акциядорлик жамияти:


Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият – акциядорлик жамияти ҳисобланади – акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар, акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича, ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамиятининг фирма номида, жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.


Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони

(январь-март ойларида, минг бирликда)




Корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида, бирликда)



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби
(2020 йил январь-март ойларида, умумий сонидаги улуши)



2020 йилнинг январь-март ойларида 24,1 мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 15,7 мингта, хусусий корхоналар 3,4 мингта, оилавий корхоналар 4,1 мингта, муассасалар 0,4 мингта ва бошқалар 0,5 мингтани ташкил этди.

Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган
корхона ва ташкилотлар таркиби
(1 апрель ҳолатига кўра)



Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 73,7 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,1 % га ошди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатда – 117,9 % га (жами саноатдаги улуши 94,6 %), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда – 123,9 % га (жами саноатдаги улуши 3,2 %), электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 119,5 % га (жами саноатдаги улуши 0,6 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 111,6 % га (жами саноат-даги улуши 1,6 %) ўсишидир.

Корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи

Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)




2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 37,5 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,9 % га ошди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бино ва иншоотлар қуришда – ўтган йилга нисбатан 118,6 % га (жами қурилишдаги улуши 60,8 %), фуқаролик объектларини қуриш – 110,9 % га (жами қурилишдаги улуши 8,5 %), ихтисослаштирилган қурилиш ишларининг – 121,8 % га (жами қурилишдаги улуши 30,7 %) ўсишидир.

Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра савдо соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар сони 108,6 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130,0 % га ошди.

Жами савдо корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода ўтган йилга нисбатан – 129,5 % га (жами савдодаги улуши 62,0 %), автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода ўтган йилга нисбатан – 131,4 % га (жами савдодаги улуши 30,0 %), автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлашнинг ўтган йилга нисбатан – 129,1 % га (жами савдодаги улуши 8,0 %) ўсишидир.



- Автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо

Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони**
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



7 771

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият



228

**Яшаш учун жой билан таъминлаган
ҳолда парваришlash**



222

**Яшаш учун жой билан таъминламаган
ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш**

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони**
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



2 514

**Яшаш бўйича
хизматлар**



24 334

**Озиқ-овқат ва
ичимликлар
етказиш бўйича
хизматлар**

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 26,8 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123,8 % га ошди.

Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар – 121,7 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 90,6 %), яшаш бўйича хизматларнинг – 148,6 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 9,4 %) ўсишидир.

**Корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи**

**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони**
(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 8,2 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,3 % га ошди.

Жами ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили кино – видеофильмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва мусиқали ёзувларни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар ўтган йилга нисбатан – 107,9 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 6,1 %), ахборот соҳасидаги хизматлар ўтган йилга нисбатан 120,2 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 15,0 %), нашриётчилик хизматлари ўтган йилга нисбатан – 114,2 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 15,7 %), дастурлар тузиш ва телерадио эшиттиришлар бўйича хизматлар – 94,1 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 2,1 %), компьютер дастурлаштириш хизматлари ўтган йилга нисбатан – 119,5 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 30,4 %), телекоммуникация хизматларининг – 109,9 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 30,7 %) ўсишидир.

Оилавий корхоналар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 32,8 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 13,4 мингтага ёки 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 30,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 12,3 мингтага ёки 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.


2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 4,1 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 863 тага ёки 26,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятлар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

Ташкилий - ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 245,1 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 49,9 мингтага ёки 125,5 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 231,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 44,9 мингтага ёки 124,0 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 15,7 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 3,6 мингтага ёки 19,6 % га камайган.




Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 11,4 мингтани ташкил этиб, улардан 10,9 мингтаси ёки 95,5 %и фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 2,9 мингтага ёки 33,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.


2020 йил январь-март ойларида Республикамизда 668 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида, бирликда)



**Корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи**

Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Худудлар кесимида қаралганда, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонининг асосий қисми Тошкент шаҳри (87 316 та), Тошкент (40 407 та), Фарғона (36 274 та), Самарқанд (33 237 та) ва Андижон (32 000 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

	Жами	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
Ўзбекистон Республикаси	10 903	5 292	5 611
Қорақалпоғистон Республикаси	160	91	69
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	316	168	148
Бухоро	284	155	129
Жиззах	187	122	65
Қашқадарё	205	149	56
Навоий	221	138	83
Наманган	236	156	80
Самарқанд	528	367	161
Сурхондарё	380	122	258
Сирдарё	168	110	58
Тошкент	1 217	627	590
Фарғона	429	286	143
Хоразм	150	92	58
Тошкент ш.	6 422	2 709	3 713

**Ўзбекистон Республикасида МДХ давлатларининг капитали иштирокида
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

	Жами	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
Россия Федерацияси	1 944	1 163	781
Қозоғистон Республикаси	855	430	425
Озарбайжон Республикаси	191	66	125
Қирғиз Республикаси	168	93	75
Тожикистон Республикаси	163	93	70
Туркменистон Республикаси	155	65	90
Украина Республикаси	125	71	54
Беларус Республикаси	77	52	25
Арманистон Республикаси	34	20	14
Молдова Республикаси	22	8	14

Ўзбекистон МДХ доирасида амалдаги ўзаро савдо тартибини ёмонлаштирмайдиган тамойилларга асосланган, тўлақонли эркин савдо ҳудудини ташкил этиш тарафдоридир. Бу МДХ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МДХ давлатларининг капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ошиб бораётганини инобатга олганда уларнинг асосий улуши (жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга нисбатан) Россия Федерацияси 17,8 %, Қозоғистон Республикаси 7,8 %, Озарбайжон Республикаси 1,7 %, Қирғиз Республикаси 1,5 % ва Тожикистон Республикалари 1,5 % га тўғри келмоқда.

**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг
давлатлар кесимида сони**
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг
ҳудудлар бўйича сони**
(2020 йил январь-март ойларида, бирликда)



2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар ҳудудлар кесимида тақсимланганда Тошкент шаҳри (19,2 %), Самарқанд (9,7 %), Тошкент (9,5 %), Андижон (7,8 %), Хоразм (6,9 %), Фарғона (6,2 %), Наманган (6,9 %), Қашқадарё (5,3 %), Жиззах (4,0 %), Навий (5,2 %), Бухоро (5,5 %), Сирдарё (4,3 %), Сурхондарё (5,5 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (4,0 %) улушга эга.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)




Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида жамидаги улуши Тошкент шаҳрида 26,5 %, Тошкент 10,7 %, Андижон 8,5 %, Самарқанд 7,1 %, Фарғона 6,9 %, Бухоро 6,5 %, Наманган 6,4 %, Қашқадарё 4,7 %, Жиззах 4,0 %, Хоразм 3,6 %, Сирдарё 3,6 %, Сурхондарё 3,5 %, Навоий 3,4 % вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 4,6 % ни ташкил этади.


Худудлар кесимида жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарниг
қўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши
(2020 йил 1 апрель ҳолатига қўра, жамига нисбатан улуши % да)



2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи муҳим йўналиши – **халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш** ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ўсиб бориши, энг аввало мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.

Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Худудлар кесимида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони
(2020 йил январь-март ойларида, бирликда)



2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар худудлар кесимида тақсимланганда Самарқанд (18,9 %), Хоразм (15,9 %), Андижон (10,1 %), Навоий (7,8 %), Сурхондарё (8,8 %), Тошкент (8,3 %), Тошкент шаҳри (4,4 %), Қашқадарё (4,8 %), Бухоро (4,9 %), Сирдарё (2,3 %), Наманган (2,4 %), Жиззах (3,0 %), вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,1 %) ўз улушига эга.

Худудлар кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(2020 йилнинг январь-март ойларида, бирликда)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.